

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚИШОМИ

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 215 (6. 106) © 1986 йил 18 сентябрь, пайшанба © Баҳоси 3 тийин




Курилиш майдонларида

Жиҳозлар ўрнатилмоқда

«Марказ—17, 18» кварталда яна бир туққиз қаватли 119 квартиралар турар жой биноси қад қўтарилмоқда. Бу бинодаги сунгги ишларни 2-ўйсозлик комбинати қарашли 4-монтаж бошқармасининг Николай Мильников бошчилигидаги комплекс бригадаси аъзолари олиб боришапти. Шу кунларда бинонинг охири қаватида монтаж ишлари бажарилмоқда.

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор суръат билан бошлаган бинокорлар қурилиш-монтаж ишларини графикадан анча ўзган ҳолда адо этишляпти. Айни пайтда, бинога санитария-техника жиҳозларини, электр тармоқларини ўрнатиш ишлари бошбалаб борилади. Қурувчилар бинони декабрь ойида фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишди. Унинг биринчи қаватида магазинлар очилади.

Олға бориб, янада юксак натижаларга эришайлик



Ушбу суратдаги йигит Тошкент химия-фармацевтика заводидаги цехнинг соловчиси Раъшан Худойбергано в. У энжмасидаги вазифага ҳақиқия юксак масъулият билан муносабатда бўлиб, цехдаги аппаратларнинг ҳаётида соҳиллашгани, юқори сифатли маҳсулот беришини таъминлашга. Ёш ишчини корхона коммунистлари ўз сафларига қабул қилишди. У жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этапти. Завод халқ контроли группаси аъзоси, қўғилғили халқ дружиначиси саналади.

СУРАТДА: соловчи Раъшан Худойбергано в. М. Нуриддинов фотоси.

Жадаллаштириш белгилари

Собир Раҳимов райони саноат корхоналарида бу йил 34 та механизациялашган ва автоматлаштирилган поток линиялар, икки мингдан зиёд янги технологик жиҳозлар, шу жумладан 50 та автомат-дасгоҳ ўрнатилди. Бош кийимлар фабрикаси, «Ком. прессор» заводининг механика-йиғув цехи, экскаватор ремонт заводидаги қуёв цехи реконструкция қилинди. Янги техника ва илғор технология бўйича икки мингга яқин тақлиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улардан олтидангидан иқтисодий самара 10 миллион сўмдан кўп бўлади.

Чинни, «Ташкентрамора» заводлари, ирригация бўйича давлат маҳсус конструкторлик бюроси, 1-автомобил, экскаватор ремонт тажриба механика заводи районининг илғор корхоналари саналади. Экскаватор ремонт тажриба механика заводида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш етти ойда 95 минг сўмликни ташкил этди. 1990 йилга бориб бу кўрсаткич беш багирас ошади.

Конструкторлар туҳфаси

Қишлоқ хўжалигида, шунингдек коммунал хўжалигида назорат қудуқларини гидравлик тарзда тозалаш ишларида КОРД—5.0 машинаси жуда қўл келади. Ушбу машина ирригация бўйича давлат маҳсус конструкторлик бюроси мутахассислари яратилди.

Оптик... мартен

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий прибор-созлик марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросида яратилган мити оптик печь ҳар қандай материални стол устидаёқ эриштиришга имкон беради. Бу қурилма монокристалллар ўстиришда, қийин эрийдиган ва ғоятда соф мате-

Замондошимиз



Илғор цехнинг илғори

«Ташэлектромаш» заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижий мамлакатлардан ҳам тобора талаблар кўпаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги кунда заводда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 86,7 проценти Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

— Бу муваффақиятини аввало завод ишчилари билан бўлган давлат маҳсус конструкторлик бюроси, 1-автомобил, экскаватор ремонт тажриба механика заводи районининг илғор корхоналари саналади. Экскаватор ремонт тажриба механика заводида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш етти ойда 95 минг сўмликни ташкил этди. 1990 йилга бориб бу кўрсаткич беш багирас ошади.

Дарҳақиқат, заводда ҳар бир бригада аъзолари ўз зиммаларига олган мажбуриятини шараф билан удалаш учун иш жойларида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Цехлараро социалистик мусобақада А. П. Гармашев бошчилигидаги 1-цех байроқдорлик қилмоқда. Бу цехда трансформаторлар учун муҳим деталлар тайёрланади. Цех ишчилари топишриклари мурракблгидан қатъий назар уни оз фурсатда сифатли қилиб адо этишмоқда.

Механика участкасининг Т. Карасев етакчилигидаги бригада аъзоси — коммунист, меҳнат зарбдори тоқар Анатолий Георгиевич Гудков шу цехнинг машааларидан. У кундалик топишриклари 1,5—2 ҳиссага еттизиб бажариб, илғор цех ишчилари ўртасида пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: тоқар А. Г. Гудков. Т. Карасев фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 17 сентябрь кунин Краснодарга келди.

Аэродромда унинг КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полосков, ўлка ижроия комитетининг раиси В. Н.

Шчербак, ўлка партия комитети бюросининг аъзолари кутиб олдилар.

● СССР Олий Совети Президиумининг «Иркутск» области халқ депутатлари Советлари ва хўжалик органларининг уй-жой фондидан асралишини таъминлаш ва граждандарнинг уй-

жой шартининг яхшилаш қонунлари талабларига риоя этиш ишлари тўғрисида» 1985 йил 12 август қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала СССР Олий Советида кўриб чиқилди. Бугун тонгги газеталарда ана шу ҳақда ҳисобот аъло қилинган.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топишриқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Нефти қайта ишлаш ва нефть-ҳайма саноати министрлиги ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг СССР ордени ҳамда медаллари билан мукофотланди.

Тошкент шаҳри бўйича:

ОКТАБР РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Трушечкина Валентина Владимировна — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг елимловчиси.

«Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Искандаров Ином Назарович — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Саконбоева Гулфия Сулаймоновна — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг елимловчиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Емельянова Надежда Георгиевна — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг елимловчиси.

Котова Валентина Леонтьевна — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети секретари.

«ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Баскаков Евгений Михайлович — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг каландр машинисти.

Гисов Миржалол Комиллович — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг каландрловчиси.

Жўрабоев Саттор — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент резинотехника бўйича заводи прессловчи-вулканизатори.

III ДАРАЖАЛИ МЕХНАТ ШУХРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ничель Наталья Владимировна — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг елимловчиси.

Хайруллин Ҳасан Темирович — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг вулканизатори.

Хайбуллин Александр Александрович — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент резинотехника бўйича заводи вулканизатори.

Шунингдек, меҳнатнашлардан яна 8 киши «Шахматли меҳнати учун» ўрнатилган 6 киши «Мехнатда ўрнатилган кўрсаткичлар учун» медал билан тақдирланди.

Долорес Ибарруридан хат

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг катта ўқитувчиси И. М. Меленевский халқор революцион ва ишчилар ҳаракатининг қўғилғили матонатли курашчилар билан ўзаро мактублар алмашиб, яқин алоқа боғлаган. У тинчликнинг тоғмас курашчиси, жаҳон хотин-қизлар демократик федерацияси асосчиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» халқор Лисания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибаррури билан ҳам хат ёзиш туради.

Эндилда асосанвий пасионарияга айлган бу ота-ини коммунист олий ўқув юрти ўқитувчиси Иван Марьяновичта яқинда яна бир мактуб йўллаб, яқини алоқа билдириди. Ана шу мактуб институт ҳузурида фаолият кўрсатаётган халқор коммунистик ва ишчилар ҳаракати музейи экспозициясидан муносиб ўрин олди.

Олий ўқув юрти инглиз тили лексикология кафедрасининг ўқитувчиси И. М. Меленевский шу музейи советига жамоатчилик асосида раислик қилиб келмоқда.

Бой техникавий база

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидан студентлар «Ҳисоблаш техникаси ва таълимнинг техника воситалари» умумий таълим курси доирасида информатика асосларидан пухта билим ва кўникма ҳосил қилдилар. Бунинг учун олий ўқув юртида база яратиб тадбирлари қўрилди. Инструментал комплекс жорий этилиб, «Ямаха», «Агат» ҳисоблаш машиналари ўрнатилди. Шунингдек, амалий машғулотларда «Искра—226» микроэлектрон ҳисоблаш машинасида фойдаланишмоқда.

Таълимнинг техника воситалари кафедраси эса «ДВК—2 Л» диалог-ҳисоблаш комплекслари билан таъминланди.

кумуш медали топирилди. Ленинградлик Инна Пушкирева эса бронза медалини қўлга киритди. Республика ми терма командаси аъзолари Разила Ширгазина, саккизинчи, Наталья Кирикова ўзининг ўрнини эгаллади. Елена Карасева маррага ўн олтинчи бўлиб келди.

400 метр масофага тўғилар оша югуришда жаҳон рекорди янгиланди. Ленинградлик спортчи Марина Степанова шу масофани

52,94 секундда босиб ўтиб, ўзига тегишли бўлган жаҳон рекордини 0,38 секундга яхшилашга муваффақ бўлди. 400 метр масофага ўтказилган мусобақада москвалик Ольга Песоповеца бутунитифоқ рекордини янгиллашга эришди. У масофани 51,48 секундда босиб ўтди. Шундай қилиб Тошкентда янги рекордлар, муваффақиятлар қайд этила бошланди.

Энди енгил атлетика тур-

ГАЗЕТХОН—ГАЗЕТА—ГАЗЕТХОН

Редакциянинг амалий учрашувлар давра столи атрофида бўладиган навбатдаги суҳбат ана шу мавзуга бағишланади. Бу суҳбатда ҳар бирингиз иштирок этишингиз мумкин.

Иил бошидан бери то шу кунга қадар редакцияда суҳбатлар 15 мингдан зиёд хатлар келди. Оқшомхонлар ўзларини ҳаяжонга солаётган масалалар ҳақида ёзди, тақлиф ва илтимослар билан мурожаат қилдилар. Ўз материалларини бажониди бизга юбордилар. Газета уларнинг ана шу мактубларининг ҳаммасини ўз эътиборидан четда қолдирмаслиққа интиломоқда. Газетхонлар билан алоқани янада мустақамлаш мақсадида «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчилик редакцияси ташкил этилди. У ҳар кун телефон орқали бизларга мурожаат қилаётган кишиларнинг жуда кўп саволлари ҳақида жавоб бермоқда.

Бироқ юзма-юз, очиқчасига дил сўзларини айтганга нима етсин! Ана шу мақсадда биз, азиз газетхонлар билан биз, редакция ходимлари бир жойга тўпланишга қарор қилдик.

1987 йилда газетда қандай масалалар кўтарилиши керак, биз ҳаммамиз қандай қилиб қайта қуриш ишларида қатнашшимиз, КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш ишига ўзимизнинг конкрет ҳиссамизни қўиш, шаҳар социалистик иқтисодий ривожланиш проблемаларини қандай қилиб ҳал этишимиз ва биринчи навбатда бу масалаларни ҳал этиш учун нималар қилишимиз зарурлиги тўғрисидаги шу ва бошқа кўплаб саволлар редакциянинг амалий учрашувлар давра столи атрофида бўлади.

Табиийки, амалий учра-

шувлар давра столи атрофида бўладиган суҳбатга биз унда қатнашгани хоҳлаган ҳамма газетхонларимизни тақлиф эта олаймики. Аммо баҳс пайтида амалий учрашувлар давра столидаги таълифлар мунтазам ишлаб туради. Шу боисдан баҳсмиз қатнашчиларининг давраси амалий жиҳатдан асло чегараланмайди.

Газетани қарли оқшомхонлар, биз сизлар учун чиқарамиз. Шундай экан, келинлар, уни янада яхшилаш тўғрисида биргаликда ўйлайлик, бир-биримиз билан масалалашайлик, баҳслайлик. Сизларнинг дил сўзларингиз ва қўғилғиларингизга мунтазам иштирок.

Редакциянинг амалий учрашувлар давра столи телефони 33-96-42, 32-53-86. Яна бир бор эслатиб ўта-миз: учрашуш шанба кун, 4 октябрда бўлади.

«Газетхон — газета — газетхон»

АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР ДАВРА СТОЛИ АТРОФИДАГИ

БАҲС ҚАТНАШЧИСИНИНГ АНКЕТАСИ

1. Фамилиянгиз, исмингиз, ота-иниңизнинг исми.

2. Иш жойингиз ва касбингиз

3. Неча йилдан бери «Оқшом» газетаси оқуначисиз

4. Алоқа бўлими индекс кўрсатилган ҳолдаги уй адресингиз ва телефон номерингиз

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 4 октябрь шанба дам олиш кунини 1986 йил 6 октябр кўчиришга қарор қилди.

1986 йил 11 октябрь шанба иш кунини деб ҳисоблансин. Ишчилар ва хизматчилар фойдаланмаган 1986 йилнинг 11 октябрь дам олиш кунини отпускаи кунларига тўланадиган тартибда ҳақ тўлаш йўли билан уларнинг йиллик отпускасига қўшили-

ди.

тўлашга тўғилар оша югуришда украинлик Е. Поли тинг мусобақа шохсупасига энг юқори поғонасига кўтарилди. Аёллар ўртасида 100 метр масофага ўтказилган баҳсада грузиялик М. Азаравили маррага биринчи бўлиб келди. Шу масофага эркаклар ўртасида ўтказилган баҳсада украинлик А. Пуговкин чемпион унвонини қўлга киритди.

Спартакиада кундалиги

масофага спортча юриш бўйича беллашилди. Маррага биринчи бўлиб РСФСР терма командасининг вакили Елена Родионова етди келди. У масофага босиб ўтиш учун 46 минут 21,13 секунд вақт сарфлади. Унинг командалари Елена Кузнецова спартакиаданинг бронза медалини қўлга киритди. Кумуш медал эса Беларус-

сия терма командасининг аъзоси Наталья Дмитриченкога топирилди. Республика ми терма командаси аъзолари З. Мустафаева ва И. Сенгатуллина еттиччи ва саккизинчи ўринлар билан кифояланишди.

Эркаклар 20 километр масофага спортча юриш бўйича голийини аниқладилар. Бу ерда Молдавия терма

командасининг аъзоси Виктор Моставич чемпион унвонини қўлга киритди. 3 минг метр масофага югуриш мусобақалари РСФСР терма командасининг аъзоси Елена Романованинг ғалабаси билан аниқланди. У масофани 9 минут 06,02 секундда босиб ўтди. Унинг командасидан Татьяна Пенчуковага спартакиаданинг

кумуш медали топирилди. Ленинградлик Инна Пушкирева эса бронза медалини қўлга киритди. Республика ми терма командаси аъзолари Разила Ширгазина, саккизинчи, Наталья Кирикова ўзининг ўрнини эгаллади. Елена Карасева маррага ўн олтинчи бўлиб келди.

400 метр масофага тўғилар оша югуришда жаҳон рекорди янгиланди. Ленинградлик спортчи Марина Степанова шу масофани

52,94 секундда босиб ўтиб, ўзига тегишли бўлган жаҳон рекордини 0,38 секундга яхшилашга муваффақ бўлди. 400 метр масофага ўтказилган мусобақада москвалик Ольга Песоповеца бутунитифоқ рекордини янгиллашга эришди. У масофани 51,48 секундда босиб ўтди. Шундай қилиб Тошкентда янги рекордлар, муваффақиятлар қайд этила бошланди.

Энди енгил атлетика тур-



Енгил атлетикачилар баҳсини аёллар бошлаб беришди. Улар 10 километр



ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР

ФАРЗАНДИМ—АСАЛ-ҚАНДИМ

Тошкентнинг «Мевозор» маҳалласида Абдурахмоновлар оиласи яшайди. Оила бошчилиги Носир ака 34 йилдан бери мактабда ўқитувчилик қилади. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани. Унинг рафиқаси Марғуба опа эса — Қаҳрамон она. У киши 20 йилдан бери шахримиздаги тўқимачилик комбинатда меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдор.

Бу оилада 10 бола тарбияланиб, воқифа бўлиб кетди. Болаларнинг катталари республика миёнасида турли ишларда қўлларини қўришга қўйишган. Иккинчилари эса мактабга боришган.

Оилада қилинадиган барча ишлар катталар маслаҳати билан бажарилади. Шунинг учун, катталар ҳам бирор иш қилмоқчи бўлса, албатта болалар билан маслаҳатлашиб бажаришган.

— Қандай қилиб болаларнинг тағирини тарбия бера олгансизлар? — деган саволга Носир ака шундай жавоб беради:

«Менинг ёшлик даврим Улуғ Ватан уруши йилларида ўтган. Ушундан шундай қийинчиликларни кўриб, катталарга ёрдам бердик, мамлакатимизни мудоғасига ўз ҳиссамизни қўшиб, пахта тердик, металллом йилдик. Бўш вақтимизни деярли йўқ эди. Бўлса ҳам

меҳнат билан, катталарга ёрдам бериш билан ўтарди. Оиламиз дастурхон атрофида тўпланганда мен уша даврларни болаларга сўзлаб берардим. Чунки, ўғилларим э-ламай ҳозирги ҳаётни тасав-вур этиш қийин. Мактабда ҳам кўпроқ тарбияга доир суҳбатлар ўтказардим. Педа-гогик касбим шунини тақозо этади.

Биз юқоридаги мисолни бекиб келтирмадик. Чунки бола тарбияси ниҳоятда оғир ва машаққатли, аммо жуда шарафли иш. У тарбиячи-дан, ота-онадан кунт, чидам ва эҳтиёткорликни талаб қилади. Бу ишда бепарво бў-лиш келгусида ёмон оқибат-ларга олиб келиши мумкин. Акс ҳолда ота-оналардаги салбий томонлар бола шах-сининг ривожланишига таъ-сир этиб, уларда ёлгончи-лик, иккиюзламачилик, худ-бинлик, дангасалик, икки-моний бурчга нисбатан масъ-улиятсизлик, ўзларидан кат-таларга ҳурматсизлик, ман-манлик каби салбий харак-терларни намойиш этади.

«Тўғри тарбия бериш — бизнинг бахтиёр келажак-миз, ёмон тарбия бериш — келгусидаги шўримиз, кўз ёшларимиздир, бизнинг бо-шқа кийинки олдидики, бутун мамлакат олдидики айбимиз-дир», деган эди А. С. Ма-каренко. Бундан 40 йил ав-вал айтилган бу гаплар бу-гунги кунимизда ҳам ўз аҳа-мийлигини йўқотмаган. Шун-дай экан, ҳар бир ота-она фарзандларини келажакда етук кишилар бўлиб ўсиши-да масъулиятли эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаслик-лари керак.

Бола тарбиясида мактаб билан оила ўртасида мақсад бирлиги бўлиши лозим. Улар ўртасидаги икки хил-хил бола тарбиясига заво-л етказилади. Натияжада бо-ла-нинг ҳаётининг ўрнатмай баркамол фарзандлар тар-биялаб бўлмайди.

Шундай воқеанинг гуво-ҳи бўлди. Ўқитувчи бир ўқувчининг уйига бориб, унинг ота-онаси билан учра-шди. Боланинг мактаб-даги ахлоқи, ўқишлари ва ўртоқлари билан муносабати тўғрисида оила бошлиқлари билан маслаҳатлашмоқчи бўлди. Афсуски ота-она-лар олдидики ўқитувчининг ҳа-қоратлаб уйдан чиқариб юборди. Болалари олдидики ўқитувчининг обрўсини тўқа-ди.

Албатта бу ота катта ха-тога йўл қўйган ва нотўғри йўл тутган. Хўш, шундай оилада «тарбия» олган бо-ланинг келажакда нима бў-лади? Унда ўқитувчига, ота-онасига ва қолаверса, катта-ларга нисбатан ҳурматсиз-лик ҳиссини уйғотмайдими? «Ўқитувчи ўзининг ёш ав-лодини тарбиялаш соҳасидаги фидокорона, маърифатпа-варлик меҳнати билан халқ-нинг чуқур миннатдорчилиги ва ҳурмати «қозонган», де-ган ҳаққоний гапларни ота-она унутмаслиги ва оилада болалар ўртасида ўқитувчи-нинг обрўсини кўтариши ке-рак.

Баъзи оилалардаги эр билан хотиннинг салбий му-носабатлари бола тарбияси-га таъсир қилади, чунки бо-ла катталарга тақдир қила-ди. Арзигаган жанжал, бир-

бирининг шахсига тегиш, ҳусусий мулкчилик, текин-хўрлик, ичкиликбозлик каби ҳоллар бола тарбиясига пу-тур етказиши ҳаётда кўп кузатилган. Натияжада бо-ла-нинг иродасизлиги, беқарор-лиги, атрофдагиларга нисбатан ҳурматсизлик ҳислари тар-киб топади. Бу нарса бола-нинг мактабдаги фаолиятига ҳам таъсир қўрсатади ва у тарбияси «оғир» болалар қат-торидан ўрин олади.

Беморга врач бир хил ре-цепт бераолмаганидек, тар-бияси «оғир» болаларга ҳам бир хил ёндошиб бўлмайди, чунки уларнинг ота-оналари характери ҳам бир эмас.

Айрим ота-оналар ўз бо-лаларининг тарбияси ва ўқи-ши ҳақида бир томонлама ҳамхўрлик қилади: мод-дий эҳтиёжларини ортиқча қондириш йўли билан аҳ-волни яхшиламоқчи бўлади-лар. Қимматбаҳо кийимлар, олтин безаклар, жинс шим-лар ҳада қилиш, хуллас, бо-ланинг оғиздан чиққан на-рсани муҳайё қилиш ахши оқибатларга олиб келмайди.

Ваҳоланки, бундай ота-она оилада моддий тўқинчилик яратиб билан банд бўлиб, бола билан суҳбатлашишга вақти бўлмайди. Мактабдан ташвишга сигналлар туш-гандагина: «Бизлар уйда ҳамма шарт-шароитларни яратиб берганми? Айтган нарсаларини муҳайё қила-миз, нега ёмон ўқийди? деб ҳайрон бўлишган.

Баъзан шундай ҳолни уч-ратиш мумкин. Кечқурунла-ри бола отаси билан бирор нарсга тўғрисида маслаҳат-лашмоқчи бўлса, ота-она — Кўрмаласами, банд-

ман, телевизор кўрайман ёки газета ўқийман, — дей-ди жеркиб.

Онаси: — Ҳозир вақтим йўқ, — деб жавоб қилади. Шунинг учун ота-оналар мажлисига ақсарият яхши ўқийдиган болаларнинг ота-оналари келишадими, тарбия-си «оғир» болалариникидан ҳеч ким келмайди. Бундай ота-оналар:

— Ишдан кеч қайтдим, — деган турли баҳоналар билан мажлисга бормай-дилар. Бу ҳам боланинг тар-биясига салбий таъсир қўр-сатади.

Совет жамиятида тарбия-лаб бўлмайдиган бола йўқ. Бунинг учун энг аввало ои-лавий шароитни яхшилаш ва оилада ота-онанинг обрў ва эҳтиборини кўтариш ке-рак. А. С. Макаренко ўз вақтида: «Оила керагича тарбиялайди, деб қаролат бериб бўлмайди... Биз ои-ла-вий тарбияни уюштириши-миз керак, ташкили, иш-ларга эса давлат тарбияси вакили сифатида мактаб бош-қош бўлиши керак», деган эди.

Мактаб ва оиланинг тар-биявий таъсир ўташиш кучи ниҳоятда катта. Агар бу кучлар моҳирлик билан ва пухта ўйлаб билан тарбия-лашга айланди, ягона мақсад сари йўнал-тирилса, ёш авлодини замона-мизга муносиб кишилар қи-либ тарбиялаш осон бўлади.

М. САИДКАРИМОВА, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-техника институтининг илмий ходи-ми.

Китоб жавонингизга

«Оналар номидан сўилайман»

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира Эйтибор Охунваннинг шеърларида она мадҳи, меҳнат, муҳаб-бат таронини этлади, днёрига, табиятга меҳр ўқуриб тура-ди. Яқинда «Советский писатель» нашриёти Эйтибор Охун-ваннинг «Оналар номидан сўилайман» номли янги китобини босмадан чиқарди. Тўпلامдан унинг янги шеърлар ва поэма-лри жой олган. Алла Тер-Акопян билан Марина Елисеева шеърларни маҳорат билан рус тилига таржима қилишган.



Йўл интизомни ёқтиради

Тепловоз билан тўқнашув

Мамлакат экономикасида муҳим роль ўйнайдиган темир йўл транспорти йил сайин ривожланиб бормоқда. Составларини узунлиги, тезлиги, қатновнинг интен-сивлиги тўхтовсиз ортмоқда. Бу пўлат излар билан авто-матгетраллар кесинган жой-ларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни долзарб ма-салага айлантирмоқда. Чун-ки, поезд билан автотранс-портнинг ҳар бир тўқнашу-ни тузаёт бўлмас фожиага олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳайдовчи те-мир йўл переездларига яқин-лашганда тезликни пасайти-риб, поезд йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилганидан сўнгги ҳаракатини давом эттириши керак. Афсуски, баъзи шошқалоқ ҳайдовчи-лар мана шу оддий қондага амал қилмайдилар. Богдан Хмельницкий кўчасидаги 68-уш қаршидаги переездда те-пловоз ўтишидан олдин те-мир йўл хизматчиси бу ва-қтда қизил байроқча ва ҳуш-хат билан ҳайдовчилар-ни огоҳлантирди. Барча транспорт воситалари тўхта-ди. Аммо «Лавташассас-тотранс»нинг 2-автомобил-

натига қарашли «17 — 04 ТНА» рақамли «ГАЗ-24» такси автомашинасининг ҳайдовчиси Олим Рихси-боев хил кутиб туришни ўзи-га эл қўрмади. Ҳаракатини давом эттирди. Натияжа-да такси тепловозга бориб ури-лди. Ҳайдовчи Олим Рихси-боев жуда оғир ҳолатда ши-фохонага ётқизилди.

Тунги соат бир яримлар-да ҳайдовчи С. Синатаев «Средазкабель»га қарашли «16—48 ТНР» рақамли «ГАЗ—5301» маркали ав-томашинани бошқариб бора-ётди. Файзулла Хўжаев кў-часидаги темир йўл переез-дида озгина эҳтиётсизлик қилди. Теварақ-атрофга қарамадан ўтиб кетаётганда «ГАЗ—2» маркали 1109 рақамли тепловоз билан тўқнашув юз берди.

Шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси хо-димлари переездларда қонда бузувчилар билан муро-са-сиз кураш олиб бормоқда-лар. Утган етти ой мобайни-да бу ерда қонда бузган 6144 ҳайдовчи тўхталиб, са-диқ бўлсин учун уларга таъ-сирчан маъмурий чоралар

қўрилди. Айримлари турли мулат билан рулин бошқа-ришдан четлатилди.

Темир йўл переездларида кўнгилсиз воқеаларнинг ол-дини олишнинг иккинчи то-мони ҳам бор. Пойтахтимиз-даги айрим темир йўл пе-реездлари тегишли қўллан-малар асосида жиҳозланма-ган. Масалан, сигналларни ва огоҳлантирувчи йўл бел-гилари ўрнатилмаган, пасса-жир транспорти қатнайди-ган йўллардаги переездар ҳам қўрилмабди, пнедалар учун махсус ўтиш йўлка-лари ташкил этилмаган.

Қарс икки қўлдан чиқа-ди, дейдилар. Ҳайдовчилар қондага тўла ажал қилиб, переезддан ўтсалар, темир йўл переездларидаги камчи-ликлар мутасадди ташки-лотлар томонидан бартараф этилса, шахримизда поезд билан автотранспорт тўқна-шувига бутунлай барҳам бе-риш мумкин бўлади.

А. ҲОЖИМАТОВ, Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг катта ин-женери, милиция капитани.

Диққат, янгилки!

Ҳар тўғрида

Янги таҳрирдаги қоида

Вақт ўтган сари йўл ҳарака-тида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, транс-порт сони тўхтовсиз ўсмоқда, ҳаракатини бошқариш тақомил-лашмоқда. Қондубузарларга кўриладиган чоралар ҳам ян-гиланмоқда. Натияжада қонда-ни бугунги кун талабига му-вофиқлаштириш зарурати ту-ғилмоқда. Янги таҳрирдаги қонда-ни тайёрлаш жараёнида кенг жамоатчилик билдирган кўппал истак ва таклифлар инобатга олинди.

У аввалгисидан бир мунча фарқ қилади. Масалан, тер-минология кенгайтирилди ва мустақил бўлишга айлантил-ди. Янги давлат стандарти эсосида йўл белгилари, чиқиш-лари ва светофорларни қў-лашга оид бўлиш ўзгартрил-ди. Янги «Йўл ҳаракати хавф-сизлигини таъминлаш» бўли-мида СССР Олий Совети Пре-зидиумининг 1983 йил 15 мар-тида «Йўл ҳаракати қондалари-ни бузувчилик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Фармонини талабларидан ке-либ чиқадиган, автотранспорт-да авариянинг олдини олишга жавобгар мансабдор шахслар

бурчинин белгиландиган маса-лалар ифодаланган. Янги таҳрирдаги қондада уруш ва меҳнат инвалидлари-га бир қанча имтиёзлар берил-ган. Қуввиб ўтиш тушунчасига аниқлик киритилди. Энди қарши йўналишдаги ҳаракат йўлкасига чиқиб амалга оши-рилган маневрларга қуввиб ўтиш ҳисобланади.

Шунингдек, янги таҳрирда-ги қондада вақт талабига жа-воб бермайдиган, эскирган бў-лимлар ҳамма анча қисқарти-рилди. «Светофор сигналлари», «Регулировка»нинг сигналлари», «Бошқариладиган чоралар», «Бошқариладиган чоралар» бўлимлари сезиларли ра-вишда қисқартирилди ёки қай-та ишланди. Янги таҳрирдаги қонда-ни амалга таъбиқ этиш муносабати билан ҳайдовчи-лардан қайта имтиҳон олини-майди.

Янги таҳрирдаги қонда 1987 йил 1 январдан қучга кира-ди.

Г. БОЛТАБОВ, Тошкент шаҳар давлат авто-мобил инспекцияси бошқар-масининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти.

Қора рўйхат

Австриянинг Вайц округида февраль ойидан бошлаб транспортни маст ҳолда бошқариш ҳайдовчиларга нисбатан қўллаб-қўйиладиган янги қоида қучга кирди. Ҳайдов-чилар ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг номлари маҳаллий газета саҳифа-ларида бериб борилади. Шунинг қизикли, «Эвло»-нинг пулини (салкам 200 австрия шиллинги миқдори-да) қондубузарнинг ўзи тў-лайди. «Қора рўйхат» бир ойда бир марта эълон қи-линимоқда.

Қадимий йўл


Тўрт минг йил илгари бунёд этилган йўлдан юриш-нинг гашти бошқача бўлар экан. Яқинда мисрлик архе-ологлар учун бундай ноёб илкомни тўғилди. Улар Александрининг Эд-Файюм воҳаси билан боғлаб турган қадимги магистралга қуч келишди ва уни босиб қол-ган қумлардан тозалашди. Мизлум бўлишича, йўлнинг эрамиздан олдинги инженер-ларнинг бир неча авлоди қурган экан. Уша даврда қурган йўл Мисрнинг ҳо-зиргиз замонини қишлоқ йўлларига қараганда фойда-ланишга анча қулай.

Автомобиль

қоровули

Англияда машинани олиб қочилган сақлайдиган қу-рилма яратилди. Қурилма автомобильнинг дудбуронига яширини винт ва болтлар билан маҳкамланади. Қалит машина эгасида сақланади. Айтилиши, «ўғри» дегател-ни ишга тушириш. Ишланган газлар қурилмага тушиб уни сиренага ҳўшаш қатти-овоз чиқаришга мажбур қи-лади. Албатта, машина эга-си ҳар сафар рулга ўтириш-дан олдин «қоровули»ни ечиб олиши керак.

Билимингизни синаб кўринг



Юк автомашинасининг ҳайдовчиси қондага хи-лоф иш тутмаётганими!

Гозлар ёрдамга келди

Қадимги Римни душманлар ҳамласидан қутқарган гозлар Вена яқинидаги Гринцинге шаҳарчаси аҳолисига ҳам ёрдамга келдилар. Тинмай га-миллайдиган гозлар галесиниларга махсус бириктилган одам ишораси билан эрта тондан то кечқурунчага ша-

Ўқинг, қизик!

ҳарчининг бош кўчасини шош-май кесиб ўтишди. Саф тар-тиб йўлни эгаллаган гозларни кўрча, ҳайдовчилар бектиёр тормоқ тепкисини босишга ва машинани энг паст тезликда бошқаришга мажбур бўлади-лар.

Кўча бўйлаб катта тезликда ўтадиган шовоҳларга таъ-



Ушбу суратда акс этган йўл-транспорт ҳодисаси чо-раҳадан ўтиш қондасининг бузулиши оқибатида юз берди. «А 14—11 ТН» ра-қамли «ВАЗ—2102» маши-наси ҳайдовчиси С. Мирза-матовнинг йўл ҳаракати қондаларига амал қилма-ни туфайли «С 24—33 ТН» рақамли «Москвич — 412» маркали машина билан рўй берган тўқнашувда икки ки-ши ташаххотли олди.

Ш. Берембетов фотоси.

Билиб қўйган яхши

Фойдали маслаҳатлар

◆ Қотган қора нон бур-даларидан бўғирсоқ тайёр-лаб, тотли хонаки квас пи-ширсангиз бўлади.

◆ Нон идишга кесилган олма, бир бўлак арчилган картошка ёки озгина туз ташлаб қўйилса ноннинг су-ви қочмайди.

◆ Қотган нонни ховонча-да янчинг, унга эзилган ён-гоқ, озгина жизза, таъбга кўра шакар қўшсангиз қув-ватли талқон таом бўлади.

◆ Рўзгордан ўртиб қолган уй нони, буханна ва булоч-ка бўлакларини чиройли ке-сиб, алоҳида-алоҳида қоти-риб қўйинг. Буларнинг баъ-зиларини сухари сифатида, уй нонини нон солмага ва шўрваларга ишлатиш мум-кин.

◆ Суви қочган нонни худди янгидек ҳолга келти-риш мумкин. Бунинг учун кастрюлкага сув солиб, ўр-тасига ситмўр ёки элак ҳо-вол қилиб қўйилади. Унга қотган нон бўлаклари тери-лади (нон бўлаклари сувга тегмасин). Сўнг қопқонин ёпиб сув қайнатилди, 5—6 минутдан кейин нонни ол-сангиз юмшоқ ва хушбўй бўлади.



Бу жакки болалар Акмал Икромов рай-ониди 17-болалар босчасида тарбияланиш-япти. Дилбар Йўлчиева 17 йилдан буён тар-

биячилик қилиб келяпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Юрий РИХТЕР.

ҚАНИ КЎРАМИЗ...

Ҳажвия

Купе олдидан ўтиб кета-ётган вагон бошқарувчи аёлга кўз тушган кекса ёшлардаги гражданин ши-коят қила кетди:

— Бу вагон эмас, ҳам-момининг ўзинки! Кечирасиз мени, на чой берасиз, на купеин йиғиштирасиз! Ахир бу бемаънигарчилик-ку! Ва-гонда ҳавонинг димилгидан нафас олиб бўлмайди. Со-лом одам ҳам бу ерда касал бўлиб қолши мумкин!

Вагон бошқарувчи аёл-нинг авоёни бузила бошла-ди. Аввал юзлари қизариб, сўнгра оқара бошлади. Бу ҳолатни кўриб, кўрқиб ке-тган иккинчи вагон бошқа-

рувчи аёл: — Зина, ҳой Зина! Шош-ма, шошма, ўзининг хушёр-роқ тути, деганича купе-ларнинг бирми-бир эшигини очиб сўрай кетди:

— Доктор, ичларингизда доктор борми? Доктор керак! — Мен докторман. Охи-р купеларнинг биридан аёл кишининг жавоби эшитилди.

— Ўзи нима гап?

— Ҳозир, ҳозир... Зина, доктор бор экан!

Айни шу дақиқада Зина кекса пассажирга ҳужумга ташланади:

— Фамилангиз?

— Черников, — гаранг бў-либ жавоб қилди пассажир.

— Университетда про-фессорман. Нима гап ўзи? — Гап шундаки ўртоқ Черников, беодобчилик ўзин-гиздан бўлмайди. Ҳурматли профессор, бу бемаънигар-чилик.

— Нималар дейсиз? — таажжубланди пассажир.

— Нима дердим. Сизга чойининг нима кераги бор?

Эртдан кечгача қоньян ичиш билан оворасиз?

— Мекми?

— Кўпсангиз йиғишти-риш у ёқда турсин олдиға келгани чўчисан. Озанигиз-дан ҳар хил бемаъни сўзлар чиқалти, бутун вагон эшитаяпти!

— Чунки, ўзингизни тўғлинка солмаг. Барбир иш жойингиз — универ-ситетга хат ёзмаган. Бир нус-хасини хотинингизга жўна-тиб юбораман!

Профессорнинг бутун ав-зойи бузилиб, ранглари оқар-иб, энтики юрагини ҳо-вучлаб...

— Докторни... — валди-раб қолди.

Зина вагонни бошига кў-тариб деди:

— Мама, қақир доктор-ни! Профессор тайёр!

Ручсудан **Д. МАХМУДОВ** таржимаси.

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

КАСБГА МОНАНД

Эндигина таннишган ҳам-хон-налардан бири сўради:

— Биродар, касбингиз ни-ма?

— Кинтобсавар.

— Хизмат жойингиз қаер-да?

— Макултура қабул қилиш пунктида. Ўзингиз нимани аф-зал кўрасиз?

— Омбури.

— Мутахассислигингиз ни-ма?

— Тиш доктори.

МАШҲУРЛИК СИРИ

Муҳбир таннишли футбол ҳу-жумчисиға мурожаат этиб де-ди:

— Сиз ўйин пайтида асосий мақсадни нималарга қарата-сиз?

— Ўзимни ҳимоячилардан ҳар тарафлама эҳтиёт қилиш-га.

МАҚОЛ-КИТОБ

